



2020 йил «4» март

№ 494и

Богот шаҳарчаси

Богот туманида жойлашган 19-сон мактаб худудидан суний қопламали спорт майдончаси ёнида ювиниш хонаси, ошхона ва ўқув қуроллари дўконини енгил конструкцияда қурилиши учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисида

Богот тумани халқ таълими бўлими мудирини Т.Мирзаевнинг туман ҳокимлигига йўллаган 2019 йил 19 февралдаги 01/7-13-02-134-сонли сўровномасини, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим муассасаларида пуллик таълим хизматларини амлга ошириш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 2-иловасига асосан туман худудида жойлашган 19-сон мактаб ва фуқаро Эрназаров Оғабек билан тузилган тасарруф этиш ҳуқуқисиз, ижара шартномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуннинг 6, 25-моддаларига асосланиб;

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Фуқаро Эрназаровга тасарруф этиш ҳуқуқисиз, ижара шартномаси аксосида туман худудида жойлашган 19-сон мактаб худудидан 30 (ўттиз) йил муддатга суний қопламали спорт майдончаси ёнида ювиниш хонаси, ошхона ва ўқув қуроллари дўконини енгил конструкцияда қурилиши учун ер майдони вақтинчалик ажратиб берилсин.

2. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Курбанов), туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ш.Норбаев) ва мактаб директори билан биргаликда ушбу вақтинчалик ажратиб берилган ер майдонини жойида белгилаб бериш ҳамда белгиланган муддатда МРТ-1 хужжатини тайёрлаб бериш вазифаси топширилсин.

3. Фуқаро Эрназаров Оғабек «Ер кодекси»нинг 36-моддаси 6,10-бандларига асосан 30 (ўттиз) йил муддатга вақтинчалик ажратилган ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланилганда ҳамда ер участкасидан 1 (бир) йил мобайнида фойдаланилмаганда ундан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши ҳақида огоҳлантирилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Р.Шарипов ва туман ҳокимининг ўринбосари вазифасини бажарувчи С.Хўжаниёзов зиммасига юклатилсин.

Богот тумани ҳокими

 О.Холбоев